

# **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрьдаги ПҚ-54 сонли қарорига асосо бажарилган ишлар бщйича**

[ПҚ-54.pdf](#)

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрьдаги ПҚ-54 сонли қарорига асосо бажарилган ишлар бщйича**

### **МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрьдаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташабусларини қўллаб-қуватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-54 сонли қарорига асос томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш орқали аҳоли даромадини ошириш, ички бозорни озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини яратиш, шунингдек, ҳар бир туманда томорқа ер эгалари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооператсия алоқаларини ривожлантириш бойича ишлар ташкил етилмоқда.

Нукус шаҳри ва туманлардаги 424 та ОФЙ ва МФЙларда 342 минг 335 та деҳқон хожаликлари ва томорқа ер эгалари тасаруфидаги 46 минг 866 гектар екиш йер майдонлари мавжуд.

Ушбу майдонларнинг 41,9 минг гектарга эртаки экинлар, 19,5 минг гектар майдонга такрорий (ўртаки), 5,3 минг гектарга август-сентябр ойларида экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларидан, 915 минг тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш.

Шунингдек, 182 та маҳаллалар “Бир маҳалла бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хожалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган.

Аҳоли томорқа йер эгаларига сифатли хизмат корсатиш, маҳсулотларни харид қилиш мақсадида «Томорқа хизмати» МЧЖлар

ташкил етилган.

Мазкур қарор билан Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний ва Эллиққалъа туманларида аҳолига 12 та йўналишда хизмат кўрсатишга мўлжалланган “Томорқа хизмати” кластерларини ташкил қилиш белгилаб берилган.

Қарорда белгилаб берилган топшириқни бажариш мақсадида Беруний ва Эллиққалъа туманлари хокимлари билан биргаликда давлат дастури ишлаб чиқилди ва келишилган ҳолда тасдиқланди.

Эллиққалъа туманида **“Эл агро томорқа хизмати” МЧЖ** томонидан 2022 йилда аҳолига 12 та йўналишдаги хизматларни ташкиллаштириш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоқар ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 2,8 млрд.сўм ресурс ажратиш назарда тутилган.

Бугинги кунда **“Эл агро томорқа хизмати” МЧЖга** Фермер деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 2,8 млрд.сўм ресурс ажратиш орқали “Агробанк”нигн Эллиққалъа тумани филиали томонидан имтиёзли кредит ажратиб берилди.

Натижада ушбу жамиятда;

- Мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш ва қайти илаш цехи,
- Музлаткичли омборхона,
- Чорвачилик комплекси,
- Техника парки,
- Юк ташиш автомашинаси,
- Узумчиликни ривожлантириш бўйича кредитлар ажратиб ерилди.

Шунингдек, Беруний туманида **“Беруний агробусинес томорқа хизмати” МЧЖга** Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоқар ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 2,5 млрд.сўм ресурс ажратиш орқали “Агробанк”нигн Эллиққалъа тумани филиали томонидан имтиёзли кредит ажратиб берилди.

Натижада ушбу жамиятда;

- Техника паркени қуриш,

- Музлаткичли омборхона,
- Мевали ва декоратив дарахт кўчатларини етиштишиш;
- Техника парки (трактор харид қилиш учун),
- Кўчатчилик иссиқхонаси ташкил этиш,
- Юк ташиш автомашинаси,
- Паррандачиликни ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратиб ерилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрьдаги ПҚ-54 сонли қарорида белгиланган топшириқга асос мазкур иккита туманда ташкил этилиши режалаштирилган жамиятларни 2022 йилнинг декабрь ойида очиш режалаштирилган.